

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили 2 даражада амалга оширилиши, яъни, макро ва микродарражада таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили ёритилган. Шунингдек, ушбу жараёнларга таъсир кўрсатквчи омилларнинг эконометрик таҳлили ўрганилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, инвестицион жараёнлар, макродарражада, микродарражада, омиллар таҳлили, эконометрик таҳлил.

**Аннотация:** в статье описаны результаты анализа факторов, влияющих на инвестиционные процессы в сфере услуг, осуществленного на двух уровня, то есть на макро и микро уровнях. Также был проведен эконометрический анализ факторов, влияющих на эти процессы.

**Ключевые слова:** сфера услуг, инвестиционные процессы, макроуровень, микроуровень, факторный анализ, эконометрический анализ.

**Abstract:** the article describes the results of the analysis of factors influencing investment processes in the service sector, carried out at two levels, i.e. at the macro and micro levels. An econometric analysis of the factors influencing these processes was also carried out.

**Keywords:** service sector, investment processes, macro level, micro level, factor analysis, econometric analysis.

**Кириш.** Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурслар таҳлилиниң тўла қонли ва барча яширин заҳираларни аниқлаш ва рўёбга чиқариш имконини берадиган даражада бўлиши учун, инвестицион ресурслар билан боғлиқ иқтисодий таҳлил 2 даражада: макродарражада, яъни, бутун мамлакат миқёсида хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили ва микродарражада яъни, алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар даражасида таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили амалга оширилиши лозим.

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларнинг ечими, биринчи галда, хизматлар соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигига макродарражада ва микродарражада таъсир этувчи омилларни аниқлашни тақазо этади. Чунки соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигига жуда кўп омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Таъсир кўрсатувчи омилларнинг кўплиги, биринчидан, “хизмат” категориясининг “товар” категориясидан фарқлантирувчи ўзига хос хусусиятларининг мавжудлиги билан изоҳланади. Иккинчидан эса, хизматлар соҳасининг мураккаб, кўп тармоқли соҳа эканлиги билан боғлиқ. Ваҳоланки, инвестицион ресурслар самарадорлигини баҳолашни амалга оширишнинг моҳияти шундан иборатки, ушбу ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида инвестицион ресурс сарфига юқори иқтисодий натижаларга эришиш зарур.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари иқтисодий салоҳиятига, бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқинлар бериб келинган. Масалан, Россиялик иқтисодчи Л.С.Сосненко ўз илмий қарашларида иқтисодий салоҳиятни ресурслар ва заҳиралар мажмуи деб ҳисоблади. Шунингдек, иқтисодий салоҳиятни молиялаштириш манбалари билан таъминланган активларнинг мавжудлиги ёки мавжуд ресурслар тизимидан фойдаланиш асосида корхонанинг узоқ муддатли стратегик

мақсадларга эришишини таъминлаш қобилияти деб таъкидлайди.<sup>1</sup> Россиялик яна бир иқтисодчи И.А.Гунина ўзининг илмий қарашларида, барча соҳалар каби хизматлар соҳасида ҳам, салоҳият остида корхоналар умумий мажмуи сифатида уни тавсифловчи омиллар, имкониятлар, воситалар, инвестицион ресурслар ва иқтисодий фаолиятда фойдаланиш мумкин бўлган барча захиралар деган фикри илгари суради.<sup>2</sup>

Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион ресурслар самарадорлигига корхонанинг амортизация ва илмий-техник сиёсати катта таъсир кўрсатади. Амортизация тўловларининг миқдори ҳисобига эскирган ускуналарни модернизациялаш ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш қолдик асосида амалга оширса, келажакда бундай сиёсат рақобатбардошлик даражасининг пасайишига ва сотув бозорларини йўқотишга олиб келади. Шунингдек, корхонанинг инвестицион фаоллиги даражаси кўп жиҳатдан унинг инновацион фаоллиги даражаси, корхонанинг илмий-техник салоҳияти, техник ишланмалар ва илмий-тадқиқот ишларининг мавжудлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстрактмантикий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усусларидан самарали фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тадқиқот жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПҚ-10-сон “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ва 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий – хукукий хужжатлардан бевосита фойдаланилган.

Амалга оширилган назарий тадқиқотлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигига макродаражада таъсир кўрсатувчи омиллар таркибиға қўйидагиларни киритиш мақсадга муvrфиқ деб топдик: ЯИМ ҳажми, соҳада банд бўлган аҳоли сони, қўшилган қўйиматнинг ЯИМ таркибидаги улуши. Бундан ташқари, унга давлатнинг молия, пул-кредит, солиқ ва инвестицион сиёсати, инвестицион ресурсларнинг маблағлар бўйича таркибий тузилиши, ахолининг пул даромадлари, банкнинг фоиз ставкалари каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бизнингча, инвестицион рискнинг мазмуни ва талқини ҳам инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим факторлардан бири ҳисбланинади.

Макродаражада инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир этувчи асосий омил – бу ЯИМ ҳажми. Унинг юқорилиги хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларига жалб этилган инвестицион ресурслардан фойдаланиш юқорилигини англаатади (1-жадвал).

#### Жадвал-1

#### Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари кесимида ЯИМ ҳажми билан инвестициялар ўртасидаги боғлиқлик (2022 йил)<sup>3</sup>

№	Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари	ЯИМ		Тармоқдаги инвестициялар <sup>4</sup>		1 сўм инвестиция га тўғри келадиган ЯИМ, сўм
		ҳажми, млрд. сўм	улуш и, %	ҳажми, млрд. сўм	улуш и, %	
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш	22 883,5	6,4	6 867,8	7,5	3,3

<sup>1</sup> Сосненко Л.С. Системный подход к экономическому потенциалу // Вопросы экономики. – 2002. – № 21. – С. 49.

<sup>2</sup> Гунина И.А. Методологический подход к исследованию возможностей развития экономического потенциала предприятия на основе анализа регионально-отраслевых тенденций // Машиностроитель. – 2004. – № 12.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг ривожланиши”. Статистик тўплам. Т.: 2022. Б. 8.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

2.	Молиявий хизматлар	80 449,8	22,5	3 240,9	3,6	24,8
3.	Транспорт хизматлари	81 164,9	22,7	20 598,6	22,6	3,9
4.	Яшаш ва овқатланиш хизматлари	11 441,7	3,2	2 129,2	2,3	5,4
5.	Савдо хизматлари	88 673,5	24,8	11 589,5	12,7	7,6
6.	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	9 654,0	2,7	5 294,2	5,8	1,8
7.	Таълим соҳасидаги хизматлар	15 374,8	4,3	7 854,3	8,6	1,9
8.	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	6 078,4	1,7	10 798,0	11,9	0,6
9.	Ижара хизматлари	6 436,0	1,8	608,5	0,7	10,6
10.	Компьютер ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	5 720,9	1,6	498,9	0,5	11,5
11.	Шахсий хизматлар	8 581,3	2,4	1 599,3	1,8	5,4
12.	Меъморчилик, муҳандислик ишлари, техник синовлар ва таҳдил соҳасидаги хизматлар	7 508,6	2,1	3 775,1	4,1	2,0
13.	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	x	x	4 350,4	4,8	x
14.	Бошқа хизматлар	13 587,1	3,8	11 972,6	13,1	1,1
<b>Хизматлар - жами</b>		<b>357 554,5</b>	<b>100,0</b>	<b>91 177,3</b>	<b>100,0</b>	<b>3,9</b>

Жадвал маълумотларидан, ҳар 1 сўм инвестицияга тўғри келадиган ЯИМ миқдори (хажми) молиявий хизматлар тармоғида энг юқори (24,8 сўм) ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларда энг паст миқдори (0,6 сўм) эканлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, транспорт хизматлари тармоғига (20 598,6 млрд. сўм) йўналтирилган инвестицион ресурслар алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларига (6 867,8 млрд. сўм) нисбатан қарийб 3 баравар кўп бўлсада, лекин ушбу тармоқларнинг иқтисодий самарадорлиги деярли бир хил натижани бермокда. Бу эса, ўз навбатида инвестицион ресурслар самарадорлиги паст бўлган тармоқларнинг фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини тақазо этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтиришга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини нисбатан жадал ривожлантириш асосида, хизматлар билан таъминланганлик кўрсаткичи бўйича шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги таффовутни қисқартириш;


- хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари сонини кўпайтириш, уларнинг иш фаолияти ҳажмини кенгайтириш асосида аҳолининг хизматлар билан қамраб олиш ва таъминланганлик даражасини ошириш;

- хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш, яъни техника ва технологияларни кенг жорий қилиш асосида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Хизматлар соҳасида инвестицион ресурслар самарадорлигига кучли таъсир кўрсатадиган омиллардан бири – қўшилган қиймат хисобланади.

Қўшилган қиймат миқдорининг ЯИМ таркибидаги улушининг кўплиги, соҳа тармоқларига жалб этилган моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг юқорилигини англатади, яъни яратилган хизмат қийматининг шаклланишида қанча фаол иштирок этса, ушбу кўрсаткич шунча юқори бўлади.

Тадқиқот натижалари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган ЯИМ таркибида қўшилган қиймат улушининг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбаттан юқори эканлигини кўрсатди (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда ва дунёнинг айrim мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳасида ЯИМда қўшилган қийматнинг улуси (2022 йил, %да)**

1-расмда Жаҳон банкининг дунёнинг айrim мамлакатларида хизматлар соҳаси ЯИМда қўшилган қийматининг улуси бўйича рейтинги келтирилган бўлиб, унга кўра, 2022 йилда дунёнинг 166 мамлакатлари орасида Ўзбекистон 8 ўринни эгаллаган.<sup>1</sup> Бундан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган қўшилган қиймат микдори юқори деган хulosага келдик.

Макродаражада инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан яна бири – соҳада банд аҳоли сони кўрсаткичи. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш учун хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик жуда муҳимдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳолининг соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг йўналишлари бўйича таклифларимиз қўйидагилардан иборат:

1. Ишчи кучи малакасини, шунингдек, соҳа тармоқларида банд аҳоли таркибида олий маълумотли мутахассислар улушкини ошириш;
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг ўртача иш ҳақини моддий соҳа ходимлари иш ҳақи даражасига яқинлаштириш;
3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг турили тармоқларини ривожлантириш жараёни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, соҳанинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини оптималлаштириш.

Макродаражада инвестицион ресурслар самарадорлигига ялпи талаб ҳажми ҳам кучли таъсир кўрсатади. Ушбу омилнинг таъсири шахсий истеъмол ҳажми, давлат харидлари ҳажми, шунингдек, соф экспорт ҳажми билан белгиланади.

Реал иқтисодиётда, жумладан хизматлар соҳасида, инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири – инфляция даражасидир. Назарий ва амалий жиҳатдан эътибор қаратадиган бўлсак, инвестицион ресурслар самарадорлиги инфляцион назорат билан чамбарчас

боғлиқ.<sup>2</sup> Ваҳоланки, инфляция бўлмаган иқтисодиётда капиталнинг реал ва номинал баҳолари бир хил, пул оқимларининг реал ва номинал қиймати ҳам tengdir. Инфляция шароитида, айниқса иқтисодиёти бекарор бўлган мамлакатларда, молиявий инвестициялар кўринишидаги инвестициялар рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлсагина, оқланади. Инфляция даражаси айниқса узок муддатли инвестицион лойихалар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

<sup>2</sup> Лаптев С.В., Филина Ф.В. Проблемы формирования эффективной инвестиционной стратегии региона (на материалах липецкой области)// Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2009. № 9 (77). С. 121-128.

самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Илмий адабиётларда инфляция шароитида инвестицион қарорларини баҳолаш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштирадиган омиллар қаторига қуидагиларни киритиш таклиф қилинган: қарз капитали ва дисконт ставкалари бўйича фоизларнинг ошиши, молиялаштириш манбаларига қўшимча эҳтиёж, инвестиция портфелини диверсификациялаш даражасини ошириш зарурати.<sup>1</sup>

Кейинги макродарражавий омил мамлакатдаги пул муоммаласи тизимининг ҳолатидир. Инвестициялар самарадорлигини ошириш учун, пулнинг барқарорлиги таъминлаш зарур. Бу борада, Россиялик иқтисодчи С.Глазьев таъкидлаганидек, “узок муддатли” пулларнинг, яъни узок муддатли кредитларнинг пайдо бўлиши фақат пул муоммаласи кўрсаткичларининг нисбатан барқарор характеристикаси бўлган инфляцион бўлмаган иқтисодиёт шароитида мумкин.<sup>2</sup>

Инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир қилувчи яна бир муҳим омил – фоиз ставкаси. Ушбу ставкадан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси сифатида фойдаланилади. Фоиз ставкаси ҳақида О.А.Крупеня ўз тадқиқотида: “Фоиз ставкаси, бир томондан, инвестор қарзга олган ресурслардан фойдаланганлиги учун тўлайдиган нархни белгилайди, иккинчи томондан, у кутилаётган даромадларни таққослаш керак бўлган кўрсатма” – деб таъкидлаган.<sup>3</sup>

Макроиқтисодий тизимда, хизматлар соҳасидаги инвестицион ресурслар самарадорлигига бевосита таъсир этувчи яна бир омил – қарз маблағлари. Қарз маблағларидан фойдаланиш имкониятларини ифодалайдиган кўрсаткич сифатида юқорида келтирилган фоиз ставкасини келтириш мумкин. 2-жадвалда 2019-2022 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси асосий капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари келтирилган.

Жадвал маълумотларидан, 2019-2022 йилларда банк кредитларининг улуши корхона маблағлари улусидан анча паст эканлигини кўрсатди. Масалан, 2019 йилда банк кредитлар 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, корхона маблағлари 34,0 фоизни ташкил этган. Банк кредитлари корхона маблағларига нисбаттан 3,3 марта га паст. 2022 йилда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 6,2 ва 41,4 фоизни ташкил этган. 2022 йилда ҳам банк кредитлари корхона маблағларига нисбатан 6,7 марта га паст. Бундан, қарз маблағлари сифатида келтирилган банк кредитлари корхона маблағларига нисбаттан анча паст эканлигини, юқорида келтирилган фоиз ставкаларининг жуда юқори деган хуносага келдик.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омил – солиқ қонунчилигидир. Солиқ ставкаларининг ошиши инвестицион лойихалар қийматининг ошишига ва унинг оқибитида даромаднинг камайишига олиб келади. Шунингдек, ушбу омилнинг салбий таъсири натижасида, инвестицион лойихаларнинг жозибадорлиги пасаяди.

Кейнсчилар концепциясига мувофиқ, инвестицияларнинг жамғармалардан кўп бўлиши инвестицияларнинг қисқаришига, демак, якуний маҳсулот таклифининг қисқаришига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий тизимда инфляция жараёнларининг кучайишига олиб келади. Жамғармаларнинг инвестициялардан ошиб кетиши аҳолининг кам маблағ сарфлаётганлигини билдиради. Товарлар ва хизматлар нархлари пасайишни бошлайди, бу саноат ишлаб чиқаришининг пасайишига, умуман иқтисодиётда даромад ва бандликнинг пасайишига олиб келади, яъни дефляцион жараёнларга олиб келади. Жамғармаларни иложи борича инвестицияларга айлантириш учун макроиқтисодий тизимда ҳар қандай нисбатан узоқ вақт давомида макроиқтисодий мувозанатга эришиш учун тегишли механизмлар ўрнатилиб, кредит-банк тизими ташкилотлари томонидан тақдим этилган молиявий инфратузилма ривожлантирилади.

<sup>1</sup> Бажутов А.В., Ильяшенко В.В. Взаимосвязь темпов инфляции и инвестиционных вложений в экономике Российской Федерации. Известия УрГЭУ, 2(28) 2010.

<sup>2</sup> Глазьев С.Ю. Главная задача: экономике нужно дать много длинннх денег // <https://izborsk-club.ru/4376>

<sup>3</sup> Крупеня О.А. Основные факторы инвестиционного процесса // Транспортное дело России. 2009. № 3. С. 109-111.

**2019-2022 йиллар молиялаштириш манбалари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида асосий капиталга инвестициялар динамикаси<sup>1</sup>**

№	Молиялаштириш манбалари	2019		2020		2021		2022		2023 йилнинг 2019 йилга нисбати, марта
		хажми, млрд. сўм	улуши, % да							
1.	Республика бюджети	14407,1	24,0	11666,4	16,2	18362,5	22,6	16935,3	18,6	1,2
2.	Корхона маблағлари	20474,8	34,0	34098,2	47,3	29818,8	36,7	37743,7	41,4	1,8
3.	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	6291,0	10,4	4724,4	6,6	5487,1	6,8	5593,1	6,2	0,9
4.	Хорижий инвестициялар ва кредитлар	15068,1	25,1	16890,3	23,4	23334,2	28,8	24500,1	26,8	1,6
5.	<i>Шу жумладан: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>	5821,4	9,7	4355,3	6,0	5207,3	6,4	6794,4	7,5	1,2
6.	Аҳоли маблағлари	2397,0	4,0	3248,9	4,5	3389,0	4,2	3844,2	4,2	1,6
7.	Бошқа маблағлар	1489,8	2,5	1441,5	2,0	731,6	0,9	2560,9	2,8	1,7
	<b>Жами маблағлар:</b>	<b>60127,8</b>	<b>100,0</b>	<b>72069,7</b>	<b>100,0</b>	<b>81123,2</b>	<b>100,0</b>	<b>91177,3</b>	<b>100,0</b>	<b>1,5</b>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг ривожланиши”. Статистик тўплам. Т.: 2022. Б. 8.

Макродаражадаги инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир этувчи яна бир муҳим омил – давлат инвестиция сиёсати бўлиб, унинг доирасида жамғариш ва истеъмол ўртасидаги муқобил нисбатлар, шунингдек, маблағларнинг таркиби ва фойдаланиш йўналишлари белгиланади. Давлат инвестиация сиёсати доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва кредитлашнинг шакл ва механизмларини танлаш муаммолари ҳал этилмоқда. Давлат томонидан молиялаштириш тўғридан-тўғри инвестициялар шаклида, шунингдек грантлар, субсидиялар, субвенсиялар асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай молиялаштириш пуллик ёки бепул бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда инсон капиталига инвестициялар каби омилларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Ушбу жараён, бир томондан, ишлаб чиқариш технологияларининг мураккаблиги ортиб бораётгани ҳамда ишчи кучининг касбий тайёргарлиги соҳасида ўзгаришлар зарурлигини назарда тутадиган бўлса, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг технологик мураккаблашуви шароитида инвестиция тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда бундай қарорларни қабул қилиши керак бўлган тадбиркорлар ва менежерлардан юқори профессионалликни талаб қиласи.

Юқорида хизматлар соҳаси инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш негизида, соҳада мавжуд хўжалик юритувчи субъектларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик. Стратегик режалаштириш тизимининг технологик элементи сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш таркибий ва ташкилий ўзгаришлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни жамлашни талаб қилувчи инновацияларни яратиш мақсадида асосий капитални янгилаш ва модернизациялаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни талаб қиласи.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида мавжуд инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири сифатида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини келтиришимиз мумкин. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти корхонадаги инвестиция жараёнларига бевосита таъсир кўрсатади ва унинг молиявий ҳолати, асосий фонdlардан, инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳамда кадрлар салоҳиятининг ҳолати билан белгиланади. Корхонанинг молиявий ҳолати ликвидлик, тўлов қобилияти, ишбилармонлик фаоллиги, рентабеллик, айланма маблағлари айланиши тезлиги, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, ўз капиталининг улуши, капитал таркиби, пул оқимлари миқдори, балансланган молиявий натижалар билан тавсифланади. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибида бошқарув сифати алоҳида ўрин тутади. Айнан бошқарув сифатининг корхона инвестиция фаолиятига таъсири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳар қандай вазиятда корхона раҳбарининг ташқи ва ички омиллар таъсирига тайёрлиги, қабул қилинган стратегик қарорларнинг ўзгарувчан бозор шароитларига мувофиқлигини таъкидлаш керак.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг инвестицион ресурслари самарадорлигига таъсир этувчи навбатдаги омил унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Хусусан, кредиторлар қарз олувчиларга кўпроқ даражада тўлиқ шериклик ёки чекланмаган жавобгарликни назарда тутадиган тадбиркорлик ҳуқуқий шаклига эга бўлган қарз олувчиларга ишонишади. Ваҳоланки, кредиторлар масъулияти чекланган жамиятларга таъсисчиларнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги туфайли факат ўзларининг ҳиссалари доирасидаги улушига бўлишади.

Хизматлар соҳаси замонавий бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айланиши натижасида, ушбу соҳанинг ЯИМдаги ва иқтисодиётда банд аҳоли сонидаги улуши тез суръатлар билан ўсиб бориши кузатилмоқда. Шу сабабли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали 2026 йилга бориб унинг ҳажмини

З бароварга ошириш, 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш вазифаси белгиланган".<sup>1</sup> Ушбу муҳим вазифани бажариш учун хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантириш, фойдаланилмаган имкониятларини ишга солиш ва ҳаётга тадбиқ этиш лозим. Шулардан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг истиқболдаги имкониятлари қайси мақроқтисодий қўрсаткичлар ёрдамида рўёбга чиқарилиши мумкинлигини аниқладик. Ўтказилган назарий тадқиқотлар, ушбу мақсадга эришишда хизмат қўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестициялар хажми билан узвий боғлиқлигини қўрсатди. Хизмат қўрсатиш соҳасини ривожланишига ушбу омилнинг таъсирини аниқлаш учун корреляция таҳлили ўтказилди. Таҳлиллар хизмат қўрсатиш соҳаси ва унга киритилаётган инвестициялар ҳажми ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини аниқлади. Яъни корреляция коэффициенти  $R=0,935$  га тенг.

Хизмат қўрсатиш соҳасига таъсир этувчи омилни баҳолашда регрессион таҳлил ҳам муҳим роль ўйнайди. Регрессия тенгламаси унга иштирок этаётган омилнинг натижавий белгига таъсирининг муҳимлик даражасини баҳолайди (1-функция).

$$Y=a_0+a_1x \quad (1)$$

Бу ерда,  $X$  – натижавий белгига таъсир этувчи омил;  $Y$  – натижавий белгининг қиймати;  $a_0$  – озод ҳад;  $a_1$  – регрессия тенгламасининг коэффициенти.

Хизматлар ҳажмини оширишга таъсир этувчи омилнинг даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун ишлаб чиқиладиган моделнинг статистик тенгламасига Ўзбекистон Республикасида 2015-2023 йиллар давомида хизмат қўрсатиш соҳасини ривожланишини ифодаловчи мақроқтисодий қўрсаткич, жумладан соҳага киритилаётган инвестиция ҳажми киритилди. Регрессия тенгламасини номаълум параметрларини ( $a_0, a_1$ ) аниқлашда қўйидаги тенгламалар системасидан фойдаланилди (2-тенгламалар системаси).

$$\begin{cases} \sum y = a_0n + a_1 \sum x \\ \sum yx = a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 \end{cases} \quad (2)$$

Ушбу тенгламалар системаси регрессия тенгламасини аниқлаш имконини беради. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар қўйидаги регрессия тенгламасини ҳосил қилди (3-регрессия тенгламаси).

$$Y=4,26x-34420,6 \quad (3)$$

Регрессия тенгламасининг бошқа қўрсаткичларини топиш учун “Маълумотларни EXCELда таҳлил қилиш” дастуридан “Регрессия” воситасидан фойдаландик ва натижаларни 3-жадвалда келтирдик.

### Жадвал-3

#### Ўзбекистон Республикасида 2015-2023 йилларда хизмат қўрсатиш соҳаси ва инвестиция ҳажми ўртасидаги регрессион таҳлил натижаси

№	Регрессион статистика	
1	$R$ кўплик	0,935
2	$R$ квадрат	0,875
3	Нормалаштирилган $R$ квадрат	0,857
4	Стандарт хато	47596,5
5	Кузатув	9

Бизларга регрессия тенгламаси коэффициенти омилнинг бир фоизга ошиши натижавий белгининг неча фоизга қўпайишини аниқлашга ёрдам беради. Бунга кўра, хизмат қўрсатиш соҳасига киритилаётган инвестициялар ҳажмини 1 фоизга ортиши хизматлар ҳажмининг 4 фоизга қўпайишига олиб келади (3-функция).

Келажакда хизматлар ҳажмини ўзгаришини аниқлаш учун хизмат қўрсатиш соҳасидаги инвестициянинг прогноз қўрсаткичларини топиш лозим. Бунинг учун қўйидаги чизикли функция ёрдамида инвестициянинг истиқболдаги қўрсаткичлари топилади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони., 34-мақсад.

$$Y=a_0 + a_1 t \quad (4)$$

$$\left\{ \begin{array}{l} \sum y = a_0 n + a_1 \sum t \\ \sum yt = a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 \\ 543192,8 = 9 a_0 + 45 a_1 \\ 73756,9 = a_0 + 6,33 a_1 \\ 1,33 a_1 = 13402,2 \\ a_1 = 10076,8 \end{array} \right. \quad \left. \begin{array}{l} 60354,7 = a_0 + 5 a_1 \\ 3319062 = 45 a_0 + 285 a_1 \\ 73756,9 = a_0 + 6,33 a_1 \\ 73756,9 = a_0 + 63786,4 \\ a_0 = 73756,9 - 63786,4 \\ a_0 = 9970,5 \end{array} \right. \quad (5)$$

Олинган натижаларни 4-формулага қўямиз.

Хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестиция бўйича прогноз функцияси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y=10076,8+9970,5t \quad (6)$$

$$R=0,993; F=125,6$$

Ушбу функция ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиладигани инвестициялар истиқболини прогноз қилиш мумкин. Бунинг учун аниқланган прогноз функциялари ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестициялар ҳажмининг 2025-2030 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари аниқланди.

#### Жадвал-4

#### Ўзбекистонда 2030 йилгача хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестициянинг прогноз кўрсаткичлари

№	Прогноз функцияси:	Йиллар					
		2025	2026	2027	2028	2029	2030
1	X <sub>t</sub> =10076,8+9970,5 t	119752, 3	129722, 8	139693, 3	149663, 8	159634, 3	169604, 8

4-жадвал маълумотлари Ўзбекистонда 2025-2030 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестиция ҳажми барқарор суръатда ривожланишини кўрсатди. Жумладан, 2030 йилдаги хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестиция ҳажми 2023 йилдаги билан таққослаганди қарийб 2,0 мартаға ортиши мумкинлигини кўриш мумкин. Мамлакатда содир бўладиган бундай ижобий ўзгаришлар келажакда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантиради. Бу, ўз навбатида, соҳада кўшимча янги иш ўринларини яратиш имконияти борлигини англаради.

Ўтказилган тадқиқотларимиз хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳажмини оширишга таъсир этувчи омилнинг истиқболдаги натижаларини қўйидаги эконометрик моделга қўллаган ҳолда хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2025-2030 йиллардаги кўрсаткичлари прогноз қилинади:

$$Y=4,26x-34420,6 \quad (7)$$

Ҳисоб-китоблар қўйидаги натижаларни берди:


#### Жадвал-5

#### Ўзбекистонда 2025-2030 йилларда хизмат кўрсатиш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари

№	Прогноз функцияси:	Йиллар					
		2025	2026	2027	2028	2029	2030
1	Y=4.26x-34420,6	475724,2	518198,5	560672,9	603147,1	645621,5	688095,8

Тадқиқотда қўлланилган усул орқали таҳлил қилинган истиқбол кўрсаткичлари улардан амалиётда фойдаланиш мумкинлигидан ва келгусида хизмат кўрсатиш ҳажмини

оширишнинг прогноз кўрсаткичларини ўсишидан далолат беради. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажмининг истиқбол кўрсаткичларининг 2025-2030 йиллар давридаги ўзгариш динамикаси 2-расмда ўз ифодасини топган.



**2-расм. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ҳажмининг истиқболдаги ўзгариши<sup>1</sup>**

Ҳисоб-китоблар 2030 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳажми қўпайиб, унинг ЯИМ улуши 50-52 фоизни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатди. Демак, хизмат кўрсатиш соҳаси келажакда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини қўпайтиришдаги роли янада ошиб боради.

**Хулоса ва таклифлар.** Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолият жараёнига таъсир этувчи ташки ва ички омилларни мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни жараённинг давомийлиги, харажатлар ҳажми ва якуний иқтисодий таъсир. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолият жараёнининг самарали ривожланишининг секинлашувига бир нечта сабаблар бўлиши мумкин: биринчидан, молиявий рискларни сезиларли даражада оширадиган глобал иқтисодий инқирозлар; иккинчидан, ўзаро таъсир механизмининг номукаммаллиги; учинчидан ташки иқтисодий алоқаларнинг самарали механизмларининг ривожлантирилмаганлиги. Ушбу камчиликларни бартараф этиш орқали хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолият жараёнини ривожлантириш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

- Бажутов А.В., Ильяшенко В.В. Взаимосвязь темпов инфляции и инвестиционных вложений в экономике Российской Федерации. Известия УрГЭУ, 2(28) 2010.
- Базылев, Н.И., Гурко С.П., Базылева М.Н., и др. Экономическая теория: Учебное пособие / Под ред. Н.И.Базылева, С.П.Гурко. – Мн.: БГЭУ, 2002. – 432 с.
- Гунина И.А. Методологический подход к исследованию возможностей развития экономического потенциала предприятия на основе анализа регионально-отраслевых тенденций // Машиностроитель. – 2004. – № 12.
- Глазьев С.Ю. Главная задача: экономике нужно дать много длиннющих денег // <https://izborsk-club.ru/4376>
- Иванов В.А., Зимин С.Д. Влияние амортизации на эффективность инвестиционного проекта // Экономика и право – 2015. – № 3. – С. 22.
- Лаптев С.В., Филина Ф.В. Проблемы формирования эффективной инвестиционной стратегии региона (на материалах липецкой области) // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2009. № 9 (77). С. 121-128.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлигининг 2015-2023 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

7. Плотницкий М.И., Радько М.К., Шмарловская Г.А., и др. Экономическая теория (Общие основы): Учебное пособие /; под ред. М.И.Плотницкого. Минск: ООО «Современная школа», 2006. – 392 с.
8. Сосненко Л.С. Системный подход к экономическому потенциалу // Вопросы экономики. – 2002. – № 21. – С. 49.
9. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962.
10. Хикматов Р.И. Развитие сферы услуг в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание степени кандидата экономических наук. – Казань: 2006.